

## А Ж Р И М

(Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида)

2019 йил январь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани, “Навбахар” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносиди, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Боғдод туман суди раиси О.Тоғаев, У.Қорабоевнинг котиблигида, тарафлардан Бешариқ туман прокурорининг ёрдамчиси А.Абдуллаев иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Сайдалиев Дастон Ўлжабой ўғлига оид 1-1507-1901/8-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра,

Сайдалиев Дастон Ўлжабой ўғли (Saydaliyev doston O'ljaboy o'g'li), 30.07.1992 йилда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фанзанди бор, муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи, Бешариқ тумани, “Юқори Зарқайнар” м.ф.й., Зарқайнар қишлоғида яшайди.

Суд, жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И

Гумон қилинувчи Сайдалиев Дастон Ўлжабой ўғли 2018 йил 04 декабрь куни соат 10:30 ларда, бошқарувида бўлган “Нексия” русумли 40 952 ТТJ давлат белгили транспорт воситасини Бешариш шаҳар, Бешариқ кўчасида, “Бешариқ-Қўқон” йўналиши бўйлаб бошқариб кетаётиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 54-бандидаги “Ёндош худудлардан йўлга чиқаётган ҳайдовчи унда ҳаракатланаётган транспорт воситалари ва пиёдаларга, шунингдек, йўлдан чиқишда ҳаракат йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак”,-деб белгиланган қоидаси талабларини қўпол равишда бузиб, ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланиб келаётган Ш.А.Тусназаров бошқарувидаги “М-412” русумли 40 М 470GA давлат белгили транспорт воситасини ўтказиб юбормасдан, бурилиш маневрени бажариб, Ш.А.Тусназаров бошқарувидаги транспорт воситаси билан йўл транспорт ҳодисасини содир қилган. Натижада Ш.А.Тусназаров тан жароҳати олиб, даволаниш учун Бешариқ туман марказий шифохонасига мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 10.12.2018 йилдаги 5434-сонли хулосасига кўра, Ш.А.Тусназаровда ўнг тизза қопқоғи суягини ёпиқ синиши, ўнг тизза бўғими ичига қон тўпланиши-гемартрози, чап қўл 3-бармоқ, чап болдир сохаларида шилинмалари бўлиб, бу тан жароҳатлари ўрта оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан Д.Ў.Сайдалиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилган.

Судда, жабрланувчи Тусназаров Шохрух Алиназарович раислик қилувчи номига ярашув тўғрисидаги ариза-талабномасини тақдим этиб, гумон қилинувчи Д.Ў.Сайдалиев билан ихтиёрий равишда ярашиб олганликларини, гумон қилинувчи даволаниши учун кетган барча сарф-ҳаражатларини тўлиқ қоплаб, ўзи ва оила аъзоларидан кечирим сўрагани, шу боис унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий зарар ундириш бўйича даъвоси йўқлигини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судда, гумон қилинувчи Сайдалиев Дастан Ўлжабой ўғли содир қилган қилмишига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, жабрланувчи Ш.А.Тусназаровга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб, улардан ва оила аъзоларидан кечирим сўраб, ўзаро ярашиб олганликларини айтиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишга розилигини билдирди.

Суд, жабрланувчининг гумон қилинувчининг талабномасини ва давлат айбловчисининг фикрини тинглаб, ярашув тўғрисидаги аризаларни алоҳида хонада муҳокама қилиб, уларни қуйидаги асосларга кўра қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66<sup>1</sup>-моддасига биноан ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қопласа, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 585-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ярашиш тўғрисидаги аризалар ихтиёрий равишда ёзилганини, судланувчи Д.Ў.Сайдалиев ўз айбига тўлиқ иқрор бўлгани ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганини, жабрланувчини унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, тарафларни ярашув битимида розиликларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан Д.Ў.Сайдалиевни айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишни ва жабрланувчи Ш.А.Тусназаровга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қопланганини қайд этишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми ҳамда 401,423,583,586-моддаларини қўллаб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Сайдалиев Дастан Ўлжабой ўғлининг жабрланувчи

Тусназаров Шохрух Алиназарович билан ўзаро ярашганлиги сабабли Д.Ў.Сайдалиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айбилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Жиноят оқибатида жабрланувчи Ш.А.Тусназаровга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) сутка муддат ичида хусусий протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

О.Тоғаев

Нусхаси аслига тўғри:

О.Тоғаев